

## ХАВҒСИЗ ЮК ТАШУВИДА ЙЎЛ ҚОПЛАМАСИГА ОҒИР ЮКЛИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ

**Абдусалом Ортиқович Назаров**

*Тошкент, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Ушбу мақола Ўзбекистондаги автомобиль йўллари сифатини сақлаш ва оғир вазнли транспорт воситаларининг йўл қопламасига салбий таъсирини камайтириш масалаларига бағишланган. Иссиқ об-ҳаво шароитида асфальт қопламасининг юмшаши ва меъёрдан ортиқ юклар натижасида йўлларнинг муддатидан аввал яроқсиз ҳолга келишини таҳлил қилинган. Мақолада йўл-транспорт ҳодисалари статистикаси, халқаро рейтинглардаги Ўзбекистоннинг ўрни ҳамда инвестициявий лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган хулосалар ва амалий таклифлар илгари сурилган.

**Таянч сўзлар:** Йўл қопламаси, оғир вазнли транспорт, вазн назорати, логистика хавфсизлиги, эксплуатация муддати.

## СНИЖЕНИЕ НЕГАТИВНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ДВИЖЕНИЯ ТЯЖЕЛОВЕСНЫХ АВТОТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ НА ДОРОЖНОЕ ПОКРЫТИЕ ПРИ БЕЗОПАСНОЙ ПЕРЕВОЗКЕ ГРУЗОВ.

**Абдусалом Ортиқович Назаров**

*Тошкент, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Данная статья посвящена вопросам сохранения качества автомобильных дорог Узбекистана и минимизации негативного воздействия тяжеловесных транспортных средств на дорожное покрытие. В работе проанализированы причины преждевременного износа дорог в результате размягчения асфальтового покрытия в условиях жаркого климата и сверхнормативных нагрузок. В статье приводятся статистические данные о дорожно-транспортных происшествиях, рассматривается место Узбекистана в международных рейтингах, а также выдвигаются научно обоснованные выводы и практические предложения по повышению эффективности инвестиционных проектов.

**Ключевые слова:** Дорожное покрытие, тяжеловесный транспорт, весовой контроль, логистическая безопасность, срок эксплуатации.

Фойдаланишга топширилаётган йўллар сифатини сақлаш иқтисодий йўқотишларни камайтиришда муҳим зарурат ҳисобланади. Мамлакатимизда йилнинг иссиқ вақтларида юк автотранспортларнинг ҳаракатланишига чеклов мавжуд эмаслиги, оғир юкли транспорт воситалари ҳаракатининг кўплиги ва норматив ҳужжатлардаги бўшлиқлар йўл қопламасининг тезда бузилиши омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда йилнинг иссиқ вақтларида юк автотранспортларнинг ҳаракатланишига чеклов мавжуд эмас. Экспертларнинг фикрига кўра, турли об-ҳаво шароитлари билан оғир юк автотранспортлар ҳаракати мувофиқлашмаганлиги йўл сифатига салбий таъсир қилувчи омилга айланиши мумкин. Шунингдек, ҳар бири 10 тонна оғирликка эга икки орқа ўқи бўлган 20 тонна юкли фуранинг ҳар бир ғилдираги йўл қопламасига тахминан 6-8 атмосфера босим туширади. Иссиқ вақтда асфальтнинг юқори қатлами юмшоқ ҳолатга келиши сабабли, бу босим натижасида ғилдирак излари ҳосил бўлади. Бундай излар йўлнинг текислигини йўқотиб, кейинчалик ёмғир суви тўпланишига, сув кириб асфальт қопламасининг тез бузилиши ва ёрилишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири баёнот беришича, мамлакатимизда иссиқ пайтларда, айниқса, асфальт қоплама ҳарорати +50+60 °С бўлган вақтда оғир юкли автотранспортлар йўл қопламасига жиддий зарар келтирмоқда. Бу ҳолат асосий омили сифатида иссиқ вақтларда юк автотранспортларнинг ҳаракатланишига чекловнинг мавжуд эмаслигини келтириш мумкин.

Йўл қопламасининг бузилиши таъмирлаш ишлари, йўл-транспорт ҳодисаларининг кўпайишига, логистика харажатлари ортишига, юкни етказиб беришда кечикишларга, транспорт воситаларининг ишдан чиқишига ва бошқа турли салбий ҳолатларга олиб келмоқда.

Хорижий тажриба Европа давлатлари мисолида ўрганилганда йилнинг иссиқ пайтлари ҳарорат юқори бўлган вақтлар оралиғида юк автотранспорт воситалари ҳаракатига чекловлар жорий қилинганлиги маълум бўлди. Ушбу амалиётдан асосий мақсад йўл қопламасини тез зиён етишидан ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Қуйида Европада иссиқ вақтларда оғир юк транспорт воситаларининг ҳаракатига чекловлар жорий қилинган давлатлар келтирилган.

### 1-жадвал

Иссиқ вақтларда оғир юк транспорт воситаларининг ҳаракатига чеклов  
 жорий қилинган давлатлар

№	Давлат	Чеклов (харорат бўйича)	Изоҳ
1.	Болгария	+35 °C дан юқори	Юк автотранспорт воситалари (> 20 тонна) 13:00–21:00 орасида
2.	Руминия	+35 °C дан юқори	Юк автотранспорт воситалари (>7.5 тонна)
3.	Дания	+25 °C дан юқори	Махсус юклар учун 12:00–18:00 орасида
4.	Украина	+28 °C дан юқори	24 тоннадан ортиқ юк автомобилларга
5.	Беларус	+25 °C дан юқори	Оғир юк машиналари учун

Маълумот учун: 2024 йилда Ўзбекистонда жами 9 364 та йўл-транспорт ҳодисаси рўй берганлиги натижасида 2 203 киши ҳалок бўлган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 3045 таси ёки 32,5 % юк ва йўловчи ташувчи автотранспортлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу ҳолат мамлакатимизда йўл инфратузилмаси ва логистика хавфсизлиги бўйича ишларнинг кониқарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Осиё тараққиёт банки иштирокида А-380 “Ғузур – Бухоро – Нукус – Бейнеу” автомобиль йўлининг 228-315 км (87 км) қисмини цемент-бетон қопламаси билан реконструкция қилиш лойиҳаси учун 150 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Ушбу йўл қопламасининг хизмат қилиш муддати 30 йилга етиши прогноз қилинмоқда. Scientific Research Publishing (SCIRP) халқаро академик нашриёти таҳлилларига асосан белгиланган нормадан 30% кўп миқдорда ортилган юклар йўл қопламаси хизмат муддати ярмига тушириши мумкин. Белгиланган нормадан оғир бўлган юк транспорт воситаларининг ҳаракати туфайли юқоридаги муддат 15 йилгача қисқариши мумкин.

Мамлакатимизда йўл сифати пастлигининг асосий омилларидан бири оғир вазнли транспорт воситалари бўлиб қолмоқда. Ички ишлар вазирлиги томонидан 2024 йилда автомобиль йўлларда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан Автомобил йўллари қўмитасига 3 313 та ва маҳаллий ҳокимликларга 1 552 та тақдимномалар киритилган.

UNESCE ташкилоти маълумотига асосан Ўзбекистонда асфальтланган йўллар улуш 95–98% ни ташкил этади, аммо йўллар сифатини баҳоловчи халқаро рейтинг кўрсаткичларида биргина Марказий Осиё минтақасида мамлакатимизга берилган баҳони ижобий деб бўлмайд.

### 2-жадвал

**Йўл сифатининг халқаро рейтинг -2019 (Global Competitiveness Index)**

№	Мамлакат	Йўл сифати баҳоси (1-7 бал)	Изоҳ
1.	Қозоғистон	4.0	Марказий Осиёда энг юқори кўрсаткич
2.	Қирғизистон	3.4	Ўртача даража.
3.	Ўзбекистон	3.2	Ўртачадан паст. Асосий муаммо – оғир юклар ва таъмирлаш камлиги.
4.	Тожикистон	2.5	Жуда паст, тоғли ҳудудлар таъсири катта.
5.	Туркманистон	3.3	Ўртачадан бироз юқори.

Ўзбекистоннинг йўл сифати кўрсаткичи 3.2 бўлиб, бу минтақадаги давлатлар орасида ўртачадан паст даражани ташкил этади. Ўзбекистонда 2025 йил бошидан 1 майгача оғир юкларни ташишда қоидабузарлик содир этган 2745 нафар ҳайдовчига нисбатан баённомалар расмийлаштирилган. Йил бошидан буён республика бўйича 50 дан ортиқ стационар ва кўчма тарозилар билан жиҳозланган пунктларда 200 мингга яқин юк автотранспорт воситалари тарози назоратидан ўтказилган.

Иссиқ мавсумларда оғир юк автотранспортлари ҳаракатини маълум вақт оралиғида вақтинчалик чеклаш, оғир юкларни тунги вақтга ўтказиш тизимини жорий этиш таклиф этилади. Бу чеклов иқтисодий фаолликка таъсир қилса-да, йўл инфраструктурасидаги зарарни 50 % гача камайтиради.

### **ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларнинг профилактикаси бўйича 2024 йилда амалга оширилган ишлар ҳолати тўғрисидаги ахбороти. [Электрон манба]. URL: [https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2\\_media\\_.pdf](https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2_media_.pdf)

2. The Global Competitiveness Report 2019 [Электрон манба]. URL: [https://www3.weforum.org/docs/WEF\\_TheGlobalCompetitivenessReport2019.pdf](https://www3.weforum.org/docs/WEF_TheGlobalCompetitivenessReport2019.pdf)

3. <https://mintrans.uz/uz/news>